

**ПЕДАГОГИК ВА
ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР**

ЯНВАРЬ, 2023

1-СОН



**PEDAGOGICAL AND
PSYCHOLOGICAL STUDIES**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, I-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-1>

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Юсупова Х. И. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Педагогика фанлари

КУРБАНОВА Нигора Рахимджоновна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
“Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7542163>

ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ВИКТИМ ХУЛҚ-АТВОР ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада виктим психологияни ўрганиш борасида мамлакатимизда ва хорижда яратилган айрим асарларда келтирилган, талаба-ёшлар ўртасида виктим хулқ-атвор кенгайишини олдини олиш борасидаги айрим мулоҳазалар ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: талаба, виктим, хулқ-атвор, салбий, жиноят, қурбон, мойиллик

АННОТАЦИЯ

В статье приведены некоторые размышления и выводы по профилактике расширения виктимного поведения среди студентов-молодёжи, приведенные в некоторых произведениях, созданных в нашей стране и за рубежом.

Ключевые слова: студент, потерпевший, поведение, негатив, преступление, потерпевший, склонность.

ANNOTATION

The article presents some reflections and conclusions on the prevention of the expansion of victim behavior among young students, given in some works created in our country and abroad.

Key words: student, victim, behavior, negativity, crime, victim, addiction.

Сўнгги йилларда аҳоли ўртасида юз бераётган салбий жараёнлар виктим феъл-атвор ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Виктим феъл-атвор талаба-ёшлар ўртасида ҳам кузатилаётганлиги ташвишли ҳолат бўлганлиги учун бундай феъл-атвор психологиясини ўрганиш бугунги кунда кўпроқ хориж мамлакатларида аллақачон ўрганила бошланди.

Хорижда деб таъкидлашимизнинг боиси шундаки, гарчи мамлакатимиздаги Д.Абдужабборова, М.Х.Аҳмедова, Ш.Р.Боротов, А.М.Жобборов, В.М.Каримова, Н.Ғ.Камилова сингари тадқиқотчи-олимларнинг асарларида номақбул (девиант) хулқ-атвор муаммолари илмий таҳлилдан ўтказилган бўлсада, айнан виктим хулқ-атворни ўрганиш борасидаги маълумотлар ўзбек тилидаги манбаларда деярли учрамайди.

“Адолат” нашриёти томонидан 2007 йилда чоп этилган Юридик атамалар луғатида “Виктимология (лотинча *victima* – қурбон ва грекча *logos* – таълим) – криминология соҳасида жиноят қурбонининг хусусиятлари ва унинг хулқ-атвори, жиноят содир этилган вақтда ҳамда жиноят содир қилингандан кейинги вақт оралиғидаги ҳаракатлар, улар билан ўзаро алоқаларини ўрганадиган мустақил йўналишдир.

Шу сабабдан ҳам, жиноий хулқнинг сабаблари ўрганилаётганида унинг виктимологик жиҳатларига эътибор бериш керак. Виктимликнинг вазифаси жабрланувчилар шахсини, жиноятдан жабр кўрганлар, жиноятчи ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар, у содир этилган вақтда ва содир этилганидан кейинги шахсий алоқалари, шунингдек, ўзаро муносабатларини тадқиқ этишдан иборатдир. Виктимология жиноий хулқни жабрланувчининг жиноят қурбонига айланиши учун шарт-шароит яратган хусусиятларини ўрганиш асосида тадқиқ этади. Виктим хулқ эҳтиётсизлик, таваккалчиликнинг натижаси бўлиб, жабрланувчининг ўзига хавф туғдиради ва криминоген вазиятни вужудга келтириши мумкин, айрим ҳолларда эса жиноятнинг содир этилишига имкон яратади.

Олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари ва жиноятлар статистикаси ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг жиноят қурбонининг хулқ атвори билан бевосита алоқадорликда, хусусан, улар жабрланувчилар аҳволининг хусусиятлари (маст ҳолдалиги), соғлиғи даражаси (эшитиш, кўриш қобилиятининг пастлиги), руҳий ҳолати, ўзининг шахси, шаъни, кадр-қимматининг хавфсизлиги ва мулкининг сақланишига бепарволарча муносабатда бўлиш; ўзига нисбатан содир этилган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилишни истамаслиги; қонунга хилоф бўлган битимлар тузиш ва ҳ.к. билан боғлиқликда содир этилишини кўрсатади. Виктимологик тадқиқот иккита асосий: жиноят (махсус) ва жиноятчилик (умумий)нинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш даражасида олиб борилади” [1] деб келтирилган. Яъни виктим хулқ-атвор жиноятга боғлиқ тарзда кўриб чиқилган.

Яна бошқа адабиётларга назар ташлайдиганган бўлсак, “Жиноятни унинг оқибатларидан ажратиб бўлмасда, баъзан безориликнинг оқибатлари одамларга безориликнинг ўзидан кўра кўпроқ зарар етказади. Бу муаммо кўп жиҳатдан “жिनотчи-жабрланувчи” феноменини ўрганиш билан боғлиқдир. Афсуски, амалиётда безорилик содир этилганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътибори безори (безорилар)га қаратилади ва жабрланувчи унутилади.

Жиноятчилик ва виктимликка нафақат статик қийматлар сифатида, балки криминализация (жिनотчига айланиш) ва виктимизация (жिनот қурбонига айланиш)га ижтимоий, ўзаро узвий боғлиқ жараёнлар сифатида ўрганилиши лозим. Ушбу жараёнларни нотўғри психологик талқин қилиш ҳам жиноятчи, ҳам жабрланувчи хатти-ҳаракатларини баҳолашда сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Адабиётларда қайд этилишича, болалик ёки ўсмирлик даврида жиноят қурбонига айланганларнинг 64 фоизи вояга етганидан кейин жиноятчига айланади, болалик ёки ўсмирлик даврида жиноятдан жабр кўрмаганларнинг атиги 22 фоизи жиноятчига айланади. [2, Б.358]

Маълумки, ёшларнинг шахсий ривожланиши ҳамда етуқлик ёшига улғайиб бориши мураккаб ва зиддиятларга тўла шароитларда кечади.

Мамлакатимиздаги мавжуд адабиётлар ва хорижий адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, шахснинг турли ҳаётий қийин вазиятларга тушиши ўсмирлик ёшига тўғри келади. [3, Б.120,126]

Айрим тадқиқотларда виктимлик ижтимоий ҳодисаси табиатини талқин қилишдаги умумий ҳолат жиноий вазиятларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва амалга оширилишида қурбоннинг ўзи яратган фитнага (провокация) тегишли бўлишидир. [4, Б.332]

Шахс виктимлиги муаммосини фақатгина ижтимоий ёки индивидуал-психологик, биопсихологик омиллар кесимида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки буларнинг барчаси жамланган ҳолда “виктимлик” “жисми”ни шакллантиради.

Бугунги кунда талаба ёшлардаги виктим хулқ-атвор ижтимоий-психологик омилларини ўрганиш лозим. Айрим мутахассисларнинг фикрларига кўра, виктимликни умуман олганда жиноят қурбонига айланишга мойиллик сифатида тасвирлаш мумкин. Виктимликнинг ҳар хил кўринишларини турларга ажратиш, ҳам қурбоннинг ижтимоий, мақоми ва жинс хусусиятларидан келиб чиқадиган умумий виктимлик ва шахснинг мақсадлари, фазилатлари ва тимсолларида намоён бўлувчи ўзига хос виктимликнинг алоҳида жиҳатлари ҳамда табиатини тушунишга имкон беради. [5, Б.26,29]

Машхур япон тадқиқотчиси К.Мядзава қурбоннинг мавқеи ва ёш мезонларидан келиб чиқадиган, унинг мақсадларида номоён бўладиган умумий виктимликка тавсиф берилган. Виктимликнинг юқорида келтирилган икки тури жамланиши натижасида унинг кучайиб боришига мойиллик кузатилади. [6, Б.124,125]

Ёшларда виктим хулқ-атворнинг шаклланиши виктимликнинг уч таркибий қисми: турли ижтимоий шароитлар, шахснинг виктимликка мойил психологик ўзига хосликлари, юз бераётган муносабатга муносабат сифатидаги виктим хатти-ҳаракат мавжуд бўлган шароитлардан келиб чиқадиган аниқ ҳаётий вазиятлардан пайдо бўлади. Виктимлашув оилада пайдо бўлган ҳолда мактабда, ўрта махсус, олий ўқув муассасаларида давом этади ҳамда интернет таъсирида кучайиб боради.

Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, кўп маротабалик виктимизация, шунингдек, унинг ортиб бориши, биопсихосоциологик ҳолатлар билан эмас, балки турмуш тарзи билан боғлиқ дейилади. [7, Б.924,927]

Индивидуал тартибдаги виктимологик чоралар жабрланувчининг шахсий сифатига ёки хулқ-атвори виктимликка мойил шахсларни аниқлаш ва уларга комплекс ижобий таъсир кўрсатиш, уларни ҳимоя қилиш чоралари йиғиндисидан иборат бўлади. Шахснинг атрофида хавфли вазиятлар қанчалик кўп бўлса, унинг виктимлик ҳолатини аниқлаш шунчалик қийин кечади. [8, Б.145,147]

Рус тадқиқотчиларидан П.Н.Кемяшова, Л.С.Струколова, Д.В.Тарасенко ва бошқаларнинг фикрларига кўра виктимлик шаклланишига қуйидагилар:

- инсоннинг виктимликка мойил бўлган ўзига хосликлари, буларга: тажовузкорлик, жанжалкашлик, ҳавотир, ўзига ишонмаслик киради;

- ўзига хос руҳий эмоционал ҳолат – масалан, ҳиссий беқарорлик;

- виктим тусга эга бўлган вазиятлар –можароли вазият; атроф-муҳитдаги вазиятнинг ўзгариши, бунда инсон эҳтиёткор, ювош, хотиржам бўлиши мумкин, аммо вазият бошқа томонга ўзгарса, буни олдиндан кўра олишга қодир эмаслиги;

- виктим хулқ-атворга мойиллик, можаро чиқариш, муштлашиш ёки аксинча катъиятсизлик кўрсатиш имкон яратади. [9, Б.232]

Ўтказилган таҳлиллар асосида виктимлик айрим ҳолатларда инсоннинг жиноят қурбонига айланишга мойиллиги ёки жиноий қилмишнинг олдини олиш мумкин бўлган ҳолатларда хатардан қочишга лаёқатсизлигидан иборатлиги, виктим хулқ-атвор кўпинча ўсмирлик даврида, оила, жамият ва шахс ўзини мансуб деб ҳисоблайдиган гуруҳда шаклланган муносабат асосида юзага чиқиши, Ўзбекистонда виктим хулқ-атворни ўрганиш ҳозирча назарий умумлаштиришлар билан чекланганлиги, талаба-ёшлар ўртасидаги виктим хулқ-атворни ўрганиш учун чуқур илмий тадқиқотлар билан бир қаторда улар ўртасида социологик сўровлар, тажриба ўтказиш сингари амалий тадбирларни ўтказиш, буларнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда, ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтларига, тегишли давлат идораларига тақдим этиш зарур эканлиги борасидаги хулосага келиш мумкин ҳамда талаба-ёшлар ўртасида виктим хулқ-атворга мойиллик кенгайиб бораётганлигига жамоатчилик эътиборини қаратиш, виктимлик пайдо бўлишига имкон яратувчи ҳолатларни олдини олиш учун фарқланган ёндошувларни излаш зарурлигини таъкидлаш жоиз.

ИҚТИБОСЛАР

1. Юридик атамалар луғати. Т.: “Адолат”, 2007.
2. Шнайдер Г.Й. Криминология (перевод с немецкого). М.: 1994. – С. 358
3. Андронникова О. О. Основные характеристики подростков с само повреждающим виктимным поведением / О. О. Андронникова // Вестник ТГПУ. – 2009. – № 9. – С. 120–126.
4. Ривман Д. В. Виктимология / Д. В. Ривман, В. С. Устинов. – СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2004. – 332 с.
5. Максименков А. А. Психологические аспекты виктимности / А. А. Максименков, А. В. Майоров // Виктимология. – 2015. – № 4(6). – С. 26–29;
6. Струколова Л. С. Психологические основы виктимности в юношеском возрасте / Л. С. Струколова // Международный научный журнал «Символ науки». – 2016. – № 7.– С. 124–125
7. Матусевич А. М. Психологические аспекты виктимности / А. М. Матусевич, Л. В. Кубышко // Молодой ученый. – 2014. – № 8. – С. 924–927.
8. Биктагирова Г.Ф., Валеева Р.А., Дроздикова-Зарипова А.Р., Калацкая Н.Н., Костюнина Н.Ю. Профилактика и коррекция виктимного поведения студенческой молодежи в Глобальной сети Интернет: теория, практика. – Казань: Издательство «Отечество», 2019. – С. 145–147.
9. Виктимология. Дарслик. / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ф.М. Мухитдинов – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. –Б. 232.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, I-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz